

ИСБОТ ҚИЛИШ ИНСТИТУТИДА ШАХС ҲУҚУҚЛАРИНИ
ИШОНЧЛИ ҲИМОЯЛАШНИ ТАЪМИНЛАШ
ОБЕСПЕЧЕНИЕ НАДЕЖНОЙ ЗАЩИТЫ ПРАВ
ЛИЧНОСТИ В ИНСТИТУТЕ ДОКАЗЫВАНИЯ

THE PROVING OF TRUE DEFENCE OF PERSON'S
RIGHTS IN THE INSTITUTE OF PROOF

Шукуров Икром Қосимович
Ижтимоий инспекциянинг
Бухоро вилоят бошқармаси ходими
91-447-79-77

Аннотация: жиноят процесдуал қонунчилигига шахс ҳуқуқларини ишончли ҳимоялаш энг муҳим вазифа саналади. Айниқса, жиноятларни исбот қилиш жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқларини муносиб таъминлаш, уларнинг шаъни ва қадр-киммати ҳурмат қилиш ҳар бир тергов органлари ходимларининг қонуний мажбуриятидир.

Аннотация: в уголовно-процессуальном законодательстве надежная защита прав личности является важнейшей задачей. Особенно, в процессе доказывания преступлений достойное обеспечение прав граждан, уважение их чести и достоинства – законная обязанность сотрудников каждого следственного органа.

Abstract: in criminal proceeding legislation protection the rights of the person is the most important task. Especially in the process of proof of crimes worthy of ensuring the rights of citizens, respect for their integrity and dignity is a legal obligation of officials of each investigative body.

Калит сўзлар: ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамият, олий қадрият, инновация, исбот қилиш институти, одоб-ахлоқ қоидалар, хорижий тажриба, жавобгарликнинг муқаррарлиги.

Ключевые слова: правовое государство, гражданское общество, высшая ценность, инновация, институт доказывания, правила поведения, зарубежный опыт, неотвратимость ответственности.

Key words: legal state, civil society, the higher the value, innovation, institute of proof, rules of conduct, foreign experience, the inevitability of punishment.

Мамлакатимизда замонавий ҳуқуқий давлат, адолатли ва мустаҳкам демократик фуқаролик жамият қуриш пировардида миллий қонунчилик ва суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар давлат, жамият ва халқ манфаатларини изчил таъминлашнинг кафили сифатида юзага чиқмоқда.

Авваломбор, суд-хуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд, хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат органлари фаолияти ошкоралиги ва самарадорлигини ошириш, аҳолини одил судловга бўлган ишончини қучайтириш, жамиятда қонунийликни чинакамига таъминлаш энг устувор вазифаларимиздан бири бўлиб қолмоқда.

Бизга маълумки, инсон омили энг олий қадрият эканлиги, уларнинг хуқуқ ва қонуний манфаатларини сўзсиз таъминлаш, жамиятда адолат ўрнатиш, жиноятчиликнинг олдини олиш ҳозирги давр талаби сифатида қонунчилик ва хуқуқни қўллаш амалиётида ишни тўғри ташкил этишнинг илфор хорижий тажрибани ўрганиш асосида инновацион, замонавий шакл ва усулларини жорий этиш ҳамда буларни амалда қўллаш бош мақсадларимиздан бири саналади.

Жиноят содир этган шахснинг ҳатти-ҳаракатини тўғри изоҳлаш, унинг қилмиши жазога сазоворлигини аниқлаш, топилган далилларга холисона баҳо бериш, унга адолатли, асосли ва қонуний жазо белгилаш, исбот қилиш жараёнида инсон хуқуқларини ишончли ҳимоялаш ҳамда жиноят иши юзасидан хақиқатни аниқлаш, исбот қилиш институтининг мақсадидир.

Биринчи президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: "қабул қилинаётган ҳар бир қонун ҳужжати аввало инсон манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилган, унинг хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилсин".¹ Ушбу фикрни қўллаб-қувватлаган ҳолда, суд-хуқуқ тизими ривожини янги босқичга кўтараётган Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Суд хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини қучайтириш чора-тадбирлари" тўғрисидаги Фармони² қабул қилиниши бу соҳада мавжуд камчиликларни яққол кўрсатиб берди ва келгусида бу борада амалга оширилиши шарт бўлган муҳим масалаларни белгилаб берди. Хусусан, жиноят судлов ишларини юритишда исбот қилиш институтини янада такомиллаштириш, жиноятларни исбот қилиш жараёнида фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ишончли тарзда ҳимоялашни қучайтириш чораларини кўришга ушбу фармон туртки бўлди ва олдимизга жиноятларни исбот қилиш жараёни юзасидан қуидаги кечикириб бўлмайдиган вазифаларни бажариш масалалари қўйилди:

- биринчидан, исбот қилиш субъектларидан исбот қилиш жараёнида фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш борасида одоб-ахлоқ қоидаларига оғишмай риоя этилишини таъминлаш;

- иккинчидан, исбот қилиш жараёнида ходимлар ўртасида фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоялашда суистеъмолчилик ва бошқа

¹ И.А.Каримов "Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон хаёт пировард максадимиз". Т. 2000. 17- бет.

²Ш.М.Мирзиёев "Суд хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини қучайтириш чора-тадбирлари" тўғрисида Фармони 2016 йил 22 октябрь. Халқ сўзи газетаси. № 209(6644).

хуқуқбузарликларнинг олдини олишни таъминлаш;

- учинчидан, тергов ҳаракатлари чоғида фуқароларнинг хуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш юзасидан идоравий назоратни кучайтириш;

- тўртинчидан, исбот қилиш жараёнида фуқароларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қилиш ҳолатлари юзасидан зудлик билан зарур чоралар кўриш таъминлаш;

- бешинчидан, исбот қилиш жараёнида вояга етмаганларга нисбатан тергов ҳаракатларни ўтказишда уларнинг хуқуқий ҳимоясини кучайтиришни таъминлаш;

- олтинчидан, исбот қилиш жараёнида қонун талабларини жиддий бузиш, фуқароларга нисбатан тақиқланадиган ҳолатларни қасдан содир этган ходимларга нисбатан жавобгарликнинг муқаррарлигини янада кучайтириш чораларини кўрилишини таъминлаш иборат.

Исбот қилиш жараёнида фуқароларнинг хуқуқ ва қонуний манфаатларини кўриқлаш жиноят процессуал қонунчиликнинг 88-моддасида мустаҳкамланган. Ушбу нормага биноан суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш жараёнида фуқароларнинг хуқуқ ва қонуний манфаатларини кўриқланиши таъминланиши кераклиги ҳамда исбот қилишда тақиқланадиган ҳолатлар тўғрисида қатъий қоидалар белгиланган.

Шунингдек, ЖПКнинг 95-моддасига биноан, далилларга баҳо беришда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ишдаги барча ҳолатларни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқиши асосида қонун ва хуқуқий онгга амал қилиб, ўзларининг ички ишончлари бўйича исботлаш предметига кирадиган ҳолатларни аниқлаш учун ҳар бир далилнинг ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги ҳамда уларнинг мажмуи етарлилиги ҳақидаги хуносага келадилар.

Исбот қилиш жараёнида шахс хуқуқларининг ишончли ҳимояси, уларга бериладиган кафолатлар, уларнинг(оила аъзоларининг) хавфсизлигини таъминлаш чораларини тўлалигича кўриш, шахс тақдирини ҳал қилувчи далилларга баҳо бериш юзасидан муоммоли вазиятлар амалиётда афсуски учраб турмоқда. Давр талаби бўлган шахс хуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, суд-хуқуқ соҳасидаги янгича ислоҳатларнинг амалга ошаётгани, юқоридаги салбий ҳолатларга чек қўйилишини тақозо этади.

Исбот қилиш институтида фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини амалга ошишини таъминлашда яна бир муҳим жиҳат аҳолининг хуқуқий онги ва хуқуқий маъданиятини юксалтириш масаласи ҳисобланади. Жиноят содир этган ҳар бир шахс ўзининг хуқуқ ва мажбуриятларини мукаммал даражада билса, ўзига нисбатан ноқонуний ҳатти-ҳаракатлар қилинишига йўл қўймайди. Бу

борада ҳам ҳозирги кунда республикамизда тизимли равища жадал суръатларда ишлар олиб борилмоқда. Айниқса, жиноят судлов ишларини юритишида ҳимоячи иштироки юзасидан унинг ролини янада кучайтириш, ахолига юридик ёрдам ва хизмат қўрсатиш тизими янада такомиллашгани, халқимизнинг ҳукуқий онги ва ҳукуқий маъданияти ўсишига самарали ҳисса қўшади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш керакки, бугунги кунда суд-ҳукуқ соҳасидаги рўй бераётган туб ўзгаришлар, авваломбор, халқимизнинг ҳукуқ ва манфаатлари ҳар жабҳада муносиб таъминланиши учун хизмат қиласи. Жиноят содир этган шахсларнинг ҳуқуқлари ҳам жиноят процессининг барча босқичларида, шунингдек исбот қилиш жараёнида ишончли таъминланиши барча тергов органлари зиммасидаги энг масъулиятли вазифа саналади. Зоро, инсон ҳуқуқлари таъминланган юртда тараққиёт, ривожланиш, халқнинг давлат органларига ишончи, халқаро майдонда муносиб ўрни ва келажаги бардавом бўлади.